

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМАДЖОНЎВ АСИЛБЕК КОСИМ ЎҒЛИ**

**ОРГАНИЗМНИНГ ИНДИВИДУАЛ МЕТАБОЛИК ХУСУСИЯТЛАРИГА  
БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГИПОТИРЕОЗНИНГ КЕЧИШИ ВА  
УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ахмаджонўв Асилбек Косим ўғли**

Организмнинг индивидуал метаболик хусусиятларига

боғлиқ ҳолда экспериментал гипотиреознинг

кечиши ва уни коррекциялаш йўллари ..... 3

**Ахмаджонув Асилбек Косим угли**

Течение экспериментального гипотиреоза

в зависимости от индивидуальных метаболических

особенностей организма и пути коррекции ..... 27

**Ahmadjonuv Asilbek**

Course of experimental hypothyroidism depending

on individual metabolic features of the organism

and methods of its correction ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМАДЖОНЎВ АСИЛБЕК КОСИМ ЎҒЛИ**

**ОРГАНИЗМНИНГ ИНДИВИДУАЛ МЕТАБОЛИК ХУСУСИЯТЛАРИГА  
БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГИПОТИРЕОЗНИНГ КЕЧИШИ ВА  
УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.2.PhD/Tib208 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саидов Садамир Абборович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Зуфаров Пулат Соатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Аминов Солохиддин Жураевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mai.ru](mailto:tta2005@mai.ru)).

Диссертация иши билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б. Х. Шагазатова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А. В. Якубов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг йод танқислик минтақаларидаги аҳоли орасидаги умумий касалланишлар улушида эндокрин тизими касалликлари, яъни гипотиреоз энг асосий касалликлардан бири ҳисобланади. Қалқонсимон беzi касалликларининг асоратлари асосан болаларда жисмоний ва ақлий ривожланишнинг орқада қолиши, гипогонадизм, ҳомиладорлик нуқсонларининг ривожланиши, бола ташлаш, бепуштлик ва асаб-руҳий тизимида қатор ўзгаришларни юзага келтириши исботланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра қалқонсимон беzi касалликлари аҳоли орасида тарқалганлиги 5-20% ташкил этади ва эндокрин тизими касалликлари ичида учраши бўйича эса биринчи ўринни эгаллайди<sup>1</sup>.

Жаҳонда организмнинг индивидуал метаболик хусусиятларига боғлиқ ҳолда экспериментал гипотиреоз беморларда касалликни эрта ташхислаш, комплекс даволаш ва олдини олишнинг профилактик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, гипотиреоз билан оғриган беморларда касалликнинг эндоген ва экзоген омилларига боғлиқ хусусиятларини асослаш, тажриба ҳайвонларида гипотиреозни коррекциялаш усулларини такомиллаштириш, касалликни ташхислашнинг оптимал тактикасини танлаш, касалликнинг хавф омилларни олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг асоратларини камайтиришга қаратилган экспериментал модел ишлаб чиқиш, аҳоли орасида моддалар алмашинуви касалликларини келиб чиқиши ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Бу борада йод танқислик ҳолати натижасида келиб чиқадиган касалликлар, жумладан, қалқонсимон беzi патологияси, гипотиреознинг патогенезини аниқлаш, экспериментал ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича соҳа мутахассислари олдида қатор муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, эндокрин тизим касалликлари профилактикаси, ташхислаш, самарали даволашда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали йод танқислик ҳолати олдини олиш ва гипотиреоз касаллигини даволашда ихтисослаштирилган эндокринологик тиббий ёрдамни ташкиллаштириш, қалқонсимон беzi

---

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари 2014 йил

касалликларини самарали тартибида даволамаслик оқибатида юзага келадиган ногиронликларни олдини олиш ва бартараф этиш каби, аҳолининг турли қатламларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда эндокрин тизими касалликларини ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларида фойдаланиш нафақат бизнинг мамлакатимизда балки, хорижий давлатларда ҳам қатор олимлар томонидан ўрганилган (Андросов В.Н., 2005; Walton K. W., Scott P. J., Dykes P. W., 2008; Абрамян А.Г., 2009; Дедов И.Д., 2011; Annenienke C.V., Romana T.N.-M., Ross H.A., 2014) турли патологик ҳолатларда организмнинг лаборатор-функционал ҳолатлари ва клиник кўрсаткичларидаги ўзгаришларнинг боғлиқлигини нафақат ушбу соҳаларда, балки эндокринология соҳасида ҳам турли даражадаги метоболик жараёнлар ксенобиотикларнинг биотрансформация тезлиги, ҚБ патологиясининг гипотериоз билан боғлиқлиги ўрганилган (Азизова Д.Ш., 2003; Shin D. J., Osborne T. F., 2003; Zanger U.M., Raimundo S., Eichelbaum M., 2004; Громова О.А., 2004; Дедов И.Д., 2011, 2015). Шунингдек, организмнинг гомеостазининг ўзгариш натижасида липидлар ва минераллар алмашинувининг бузилиши ва бошқалар ўрганилмаган.

Ўзбекистонда йод танқислик ҳолати ва уни бартараф қилиш, қалқонсимон беши касалликлари, ушбу патологияларнинг даволаш самарадорлигини ошириш борасида қатор клиник ташхислаш ишлари амалга оширилган (Т.М.Мухамедов, 1998; Л.Б.Нугмонова, 1998; С.И.Исмаилов, 1998; 2001; 205;), йод танқислик ҳолатини олдини олиш профилактикасида янги нон ва нон маҳсулотларни ишлаб чиқилган (Г.И.Шайхова, Н.Ж.Эрматов, 2001, 2005, 2017). Гипотиреоз синдроми билан кечадиган ва йод танқислиги муаммоси билан боғлиқ қалқонсимон без клиник ва экспериментал патологиясининг кўплаб масалалари ҳалигача узил-кесил ечимини топгани йўқ. Жумладан, кўпчилик ҳолатларда гипотиреоз ривожланишига олиб келувчи йод танқислик ҳолатлари даволаш ва олдини

---

<sup>2</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

олиш учун қўлланадиган турли йод таркибли бирикмалар кенг тарқалганлигига қарамасдан, шу пайтга қадар терапиянинг энг самарали усули ишлаб чиқилмаган ва ушбу патологияни тарқалиши ҳали ҳам реал муаммо бўлиб қолмоқда ва уни ҳал этиш учун янги ёндашувларни қўллаш лозим. Эндокринологик амалиётда янги, ватанимизда ишлаб чиқилган йод таркибли қўшимчаларни ишлатиш бу муаммони ҳал этиши мумкин.

Ушбу муаммони ҳал этишда тадқиқотчилар, одатда, организмнинг индивидуал-типологик хусусиятларини ҳисобга олмас эдилар. Мавжуд метаболик фаоллик турини ҳисобга олган ҳолда гипотиреозни даволашга бундай ёндашув йод таркибли бирикмаларнинг ҳар бир тури учун энг катта самарадорликка эришишга ёрдам берар эди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Маҳаллий хом-ашё асосида йод таркибли янги доривор шакл ва воситаларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида (2011-2016 йй.) бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** N-ацетилтрансфераза фаолликни индивидуал метаболик хусусиятларига боғлиқ равишда экспериментал гипотиреоз кечишига йод таркибли турли бирикмаларнинг таъсирини ўрганишни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ацетиллаш тезлиги юқори ва паст бўлган каламушларда, экспериментал гипотиреозда, шунингдек, йод таркибли бирикмалар билан коррекциялаш фонида тиреоид мақом хусусиятларини аниқлаш;

метаболик фаоллиги юқори ва паст бўлган каламушларда экспериментал гипотиреозда, шунингдек, йод таркибли бирикмалар билан коррекциялаш фонида оқсиллар ва липидлар алмашув хусусиятларини аниқлаш;

метаболик фаоллиги юқори ва паст (ацетиллашнинг  $\beta$ - ва  $\alpha$ -фенотипли) тажриба ҳайвонларида гипотиреознинг экспериментал модели фонида айрим органларни морфологик ўзгариш жадаллигини баҳолаш;

ацетиллаш фенотипини ҳисобга олган ҳолда гипотиреоз профилактикаси ёки даволаш учун мақбул тавсияларни белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** вазни 180-220 г бўлган 330 та зотсиз оқ каламуш тадқиқот объекти бўлиб, улардан тез ва секин ацетилляторларга ажратиб 180 та жонивордан фойдаланилган. 60 та каламуш экспериментал гипотиреозда индивидуал-типологик хусусиятларнинг биокимёвий кўрсаткичларини тиреоид даражасига, липид спектрига, электролит баланси кўрсаткичларига ва қалқонсимон без ҳамда ички органларни морфологик ўзгаришига таъсирини текширишда ишлатилди. 120 та жонивор экспериментал гипотиреозда йод таркибли бирикмалар билан даволашнинг тиреоид мақомга таъсирини ўрганиш учун фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети** илмий тадқиқотлар асосида қон ва қон зардоби, тажриба ҳайвонлари қалқонсимон беzi, жигари ва буйрагининг морфологик препаратлари сифатида олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда клиник-лаборатор, биокимёвий, морфологик, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гипотиреоз ва унга ёндош ўзгаришларни коррекциялашда ацетиллаш фенотипни баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда йод таркибли турли бирикмаларни қўллашга дифференциаллашган ёндашув механизми асосланган;

ацетиллаш тури ҳар хил бўлган тажриба ҳайвонларининг қалқонсимон безнинг тиреотроп гормонлари балансини сақлаб туришда йод таркибли бирикмаларни истеъмол қилиш аҳамияти ва унинг ижобий кўрсаткичлари исботланган;

метаболик фаоллиги юқори ва паст ацетиллашнинг  $\alpha$ - ва  $\beta$ -фенотипли тажриба ҳайвонларида гипотиреознинг экспериментал модели фонида қалқонсимон безидан аниқланган морфологик кўрсаткичларнинг ижобий натижалари исботланган;

гипотиреоз билан касалланган ҳайвонларда аниқланган клиник ва биокимёвий кўрсаткичларнинг самарадорлиги юқори бўлган комплекс даволаш тизимининг тартиби такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ацетиллаш фенотипи мавжудлигига боғлиқ равишда экспериментал гипотиреозда йод таркибли калий йодид препаратини оптимал қўллаш тартибининг механизми ишлаб чиқилган;

метаболик фаолликни ҳисобга олган ҳолда гипотиреозни даволаш дифференциаллашган ёндашув, хусусан, экспериментал гипотиреоз моделида эндокринологияда ишлатиладиган таркибида йод мавжуд бирикмаларни клиникагача тадбиқ қилиш тартиби тавсия қилинган;

индивидуал-типологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда гипотиреозни даволашда энг мақбул йод таркибли бирикманинг ижобий хусусияти экспериментал шароитда танланган;

ушбу тажриба модели даволовчи шифокорларга, шунингдек, фармацевтларга йод танқислик ҳолати профилактикасини оптимал усулини танлаш ва гипотиреозни даволашда тавсиялар ишлаб чиқаришга асос бўлган;

гипотиреоз билан кечадиган қалқонсимон беzi патологияларини ташхислаш стандартларини такомиллаштиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, иммунофермент, биокимёвий ва статистик усуллар билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада тажриба ҳайвонлари ва уларда ацетиллаш фенотипи мавжудлигига боғлиқ равишда экспериментал гипотиреозда бирор турдаги йод таркибли препаратларни оптимал қўллаш усуллари ёрдамида касалликни эрта ташхислаш ва олдини олишнинг ўзига хослигини такомиллаштириш, касалликнинг ўзига хос кечишини баҳолашда хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қалқонсимон беzi патологиясига йўлдош бўлган гипотиреозда тиреоид мақом, липидли спектр, оқсилли ва минерал алмашувнинг клиник кечиши ва функционал параметрларининг хусусиятларини метаболик фаоллигини мавжуд ацетиллаш фенотипига боғлиқ равишда аниқлашдан иборатдир, шунингдек, тажрибада индивидуал-типологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда гипотиреозни даволаш самарадорлигининг ишлаб чиқилган механизми билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, экспериментал гипотиреоз моделида ўрганилган тиреоид статус ўзгаришининг хусусиятлари, жумладан, йод таркибли турли препаратлар билан даволашда кейинчалик гипотиреоз билан кечадиган қалқонсимон беzi патологияларида уларнинг терапевтик таъсирини тадқиқ этишда қўлланади. Шунингдек, ушбу ёндашув ҳам эндокринологик амалиётда, ҳам бошқа орган ва тизимларнинг патологияларида қўллаш учун режалаштирилаётган, таркибида йод мавжуд бошқа фармакологик гуруҳларнинг самарадорлигини клиникагача ва клиник тадқиқотларида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Организмнинг индивидуал метаболик хусусиятларига боғлиқ ҳолда экспериментал гипотиреозни комплекс даволаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Йод етишмовчилигини даволаш воситалари» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 20160176). Мазкур усул гипотиреоз билан хасталанган беморларда  $T_3$  ва  $T_4$  гормонларининг тиклаш даражаси бошқа кимёвий йод сақловчи дори воситалари, яъни йодциклодекстринга нисбатан кучсиз, йодциклодекстринда эса фаол эканлигини исботлади;

гипотиреоз беморларда йод танқислиги ҳолатини олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида «Йод танқислик ҳолатида қалқонсимон беzi патологиясининг ривожланиши аспектларида касалликни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш муаммолари» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 7 февралдаги 8Н-д/106-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма гипотиреоз билан хасталанган беморларда касалликни ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган анъанавий экспериментал ташхислаш модели яратилган ва касалликни даволаш самарадорлиги 25% дан 56%гача оширган;

гипотиреозни даволашда экспериментал тадқиқотларнинг самарадорлиги ва ацетиллаш фенотипини ҳисобга олган ҳолда йод-бром биологик фаол қўшимчасининг аҳамиятини асослаш мақсадида «Экспериментал гипотиреозда ацетиллаш фенотипини ҳисобга олган ҳолда йод-бром биологик фаол қўшимчасини солиштирма коррекцияси» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 7 февралдаги 8Н-д/106-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада организмда сустр

метаболизмни гипотиреоз касаллиқни даволашда етарли даражада йод бирикмалари билан таъминлашга олиб келиб, касаллиқни даволашда самара бериши исботланган;

индивидуал-типологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда экспериментал гипотиреозни ташхислашнинг экспериментал даволаш тартиби, дифференциалланган усуллари қўллашнинг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 8Н-3/65-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши экспериментал тадқиқотлар сифатининг ортиши, жумладан, клиникагача тадқиқотда индивидуал-типологик хусусиятларни аниқлаш турли патологияларни, мазкур ҳолатда эса қалқонсимон без касаллиқларини даволашда ёндашувни, тадқиқ этиладиган бирикмаларнинг энг мақбул турларини танлаш, уларни қўллаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гипотиреознинг ижтимоий ва клиник аспекти, эпидемиологияси, патогенези ва экспериментал даволаш тўғрисидаги замонавий тушунчалар**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида гипотиреоз касаллиги муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Гипотиреознинг этиологияси ва патогенези ривожланиш механизми, тиреоид гормонларининг касаллиқнинг ривожланишидаги ўрни тўғрисида тўлиқ илмий-амалий маълумотлар таҳлил

қилинган ҳолда келтирилган. Тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг **«Гипотиреоз билан хасталанган беморларни экспериментал ташхислаш методологияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар вазни 180-220 г. бўлган вояга етган зотсиз оқ каламушларда ўтказилган.

Тадқиқотлар экспериментал ҳисобланиб, виварий шароитида ҳамда Тошкент Фармацевтика институти лабораториясида ўтказилган. Экспериментал гипотиреознинг модели 21 кун мобайнида 5 мг/кг дозасида юбориш йўли билан такрорланган. Ҳар бир гуруҳ ўз навбатида тадқиқотнинг қуйидаги муддатларига боғлиқ равишда 5 та гуруҳга бўлинган: 4-чи соатда, тадқиқотнинг 1-, 2- ва 3- ҳафталарида. Ушбу муддатларга мувофиқ равишда  $\alpha$ -«секин» метаболизёрлар (ацетилаторлар) гуруҳига I <sub>$\alpha$</sub> , II <sub>$\alpha$</sub> , III <sub>$\alpha$</sub> , IV <sub>$\alpha$</sub> , V <sub>$\alpha$</sub>  гуруҳчалар,  $\beta$ - «тезкор» метаболизерлар (ацетилаторлар) гуруҳига I <sub>$\beta$</sub> , II <sub>$\beta$</sub> , III <sub>$\beta$</sub> , IV <sub>$\beta$</sub> , V <sub>$\beta$</sub>  гуруҳчалар кирган. Жониворлар органлари препаратларининг (қалқонсимон без, жигар ва буйрак) экспериментал гипотиреозда микроскопияси Тошкент Фармацевтика институти базасида амалга оширилди. Тадқиқотлар чоғида тадқиқ этишнинг гематологик, иммунологик ва статистик усулларидан фойдаланилди. Экспериментларнинг 2-серияси ўтказилиб, унда жами 180 та тажриба жониворлари ишлатилди. Экспериментларнинг биринчи сериясида метаболит жараёнларнинг кечиш фаоллиги бўйича «секин» (ацетиллашнинг  $\alpha$ -фенотипли) ва «тезкор» (ацетиллашнинг  $\beta$ -фенотипли) гуруҳларига ажратилган тажриба ости жониворларда экспериментал гипотиреознинг тиреоид мақом кўрсаткичларига, қон зардобининг липид спектрини тавсифловчи қоннинг биокимёвий кўрсаткичларига, катаболик ва анаболик жараёнларнинг жадаллиги ва организмнинг электролит таркибига таъсири тадқиқ этилди. Тадқиқот вазифаларига мувофиқ равишда, ишнинг биринчи босқичларида биз томондан қуйидагилар ўзлаштирилди: экспериментал гипотиреозни такрорлаш усули, тадқиқ этилаётган жониворларни организм метаболит фаоллигининг индивидуал-типология хусусиятлари бўйича, яъни ацетиллаш фенотипи бўйича ажратиш, қон зардобиди тиреоид гормонларнинг иммуноферментли тадқиқот усули ўзлаштирилди. Экспериментларнинг иккинчи сериясида терапия сифатида таркибида калий йодиднинг йоданорганик бирикмаси (йодли калий) мавжуд йодли бирикмаларни перорал (per os) қабул қилган ацетиллашнинг турли фенотипига эга жониворлар ўзаро таққосланди.

Олинган натижаларни таҳлил қилишда «Биостат» статистик ишлов бериш дастуридан, олинган ўлчов бирликлар ва катталикларнинг ишончлилиқ даражасини Стъудент Фишер мезонидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Гипотиреоз касаллиги билан хасталанган беморларнинг клиник тавсифи»** деб номланган учинчи бобида хусусан, йод таркибли бирикмалар билан даволашнинг самарадорлиги солиштирма таҳлил қилинган, шунингдек тиреоид мақомини тикланишида калий йодид бирикмасининг даволаш самараси баён этилган.

Ацетиллаш фенотипи ҳисобга олиниб бимодал тамоийил бўйича ажратилган тажриба ости жониворларни индивидуал типологик хусусиятларини ўрганишда тиреоид мақом кўрсаткичлари (тиреоид гормонлар концентрацияси) ўрганилди, биокимёвий (липид спектри, альбумин умумий оксили, мочевина, креатинин, электролит таркиб) тадқиқотлар ўтказилди.

Ўтказилган тадқиқот доирасида ацетиллаш фенотипи бўйича ажратилган тажриба остидаги жониворларда экспериментал гипотиреозни даволашда қалқонсимон без ҳолатининг функционал-ташхислаш кўрсаткичларининг ўзгариши ўрганилди. Жумладан, экспериментал гипотиреозни ацетиллашнинг  $\alpha$ - ва  $\beta$ -фенотипли жониворларда калий йодид билан даволашда муайян ўзгаришлар аниқланди (1-жадвал). Калий йодид билан терапиянинг 3-ҳафтасидан сўнг ацетиллашнинг секин  $\alpha$ -фенотипли жониворларда  $P_{\alpha}$  гуруҳчадаги қийматларга таққослаганда ТТГ даражасининг 103,4% пасайиши кузатилди, умумий трийодтиронин ( $T_3$ )нинг ортишига мойиллик, эркин трийодтиронин ( $T_{3св}$ ) концентрациясининг 69,5%га, мос равишда умумий тироксиннинг ( $T_4$ ) 65,4%га, эркин тироксиннинг 64,6%га ортиши қайд этилди. Калий йодид билан даволашда экспериментал гипотиреоз терапиясининг 3-ҳафтасида экспериментал гипотиреоз қийматлари билан таққослаганда ТТГ концентрацияси 2,6 марта,  $T_{3св}$  – 2,1 марта,  $T_4$  – 1,5 марта,  $T_{4св}$  – 2,8 марта пасайди, терапиянинг 3-кунидаги қийматларга таққослаганда ТТГ даражаси 2,4 марта камайган бўлиб, шунингдек,  $T_3$ ,  $T_{3св}$ ,  $T_4$ ,  $T_{4св}$  концентрацияларининг ортишига мойиллик кузатилди.  $III_{\beta}$  га нисбатан  $V_{\beta}$  гуруҳчада ТТГ даражаси 2,4 мартага (143,8%га) камайган, бошқа текширилган тиреоид гормонларнинг ортиб боришига бироз мойиллик қайд этилди.  $IV_{\beta}$  гуруҳчага нисбатан,  $V_{\alpha}$  гуруҳчадан фарқли равишда, сезиларли ўзгаришлар кузатилмади, унда тадқиқотнинг анча илгариги муддатларига нисбатан тиреоид мақомнинг анча яққол ўзгаришлари қайд этилди.

Шундай қилиб, ацетиллашнинг  $\alpha$ -фенотипли гуруҳчаларда калий йодид билан терапиянинг нисбатан юқори даражада самарадорлигини қайд этиш зарур.

1- ва 2-жадвалларда келтирилган тадқиқот натижалари ацетиллашнинг «секин»  $\alpha$ -фенотипли жониворларда калий йодид билан терапиянинг анча юқори таъсирчанлигидан далолат беради.

Демак, ацетиллаш фенотипини ҳисобга олиб йод таркибли бирикмалар билан гипотиреоз терапиясини тайинлаганда мазкур метаболик тип учун уни самарадорлиги ошади.  $\alpha$ -фенотипли жониворларга калий йодид препарати берилганда тиреоид мақомининг тикланиши  $\beta$ -фенотиплиларга қараганда самаралироқ бўлгани кузатилди. Шу билан бирга, экспериментал гипотиреоз моделида ацетиллаш фенотипининг тиреоид гормонлар кўрсаткичларини динамикада ўзгаришига таъсири ўрганилган (2-жадвал).

Ацетилланишнинг тез ва паст гуруҳидаги ҳайвонларда умумий ва эркин трийодтиронин ва эркин тироксиннинг даражаси ўзгарган. Шунингдек экспериментал гипотиреоз моделининг барча текшириш даврларида интакт ҳайвонлар гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли ўзгаришлар қайд этилган.

Калий йодид (йодли калий) олган ацетиллаш тезлиги турлича гуруҳчаларда гипотиреозни моделлаштиришда тиреоид гормонлар кўрсаткичларининг ўзгариб бориши (M±m).

Тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар:		ТТГ – Тиреотроп гормон, мМЕ/мл	Т <sub>3</sub> – Умумий трийодтиронин, пг/мл	Т <sub>3св</sub> – Эркин трийодтиронин, пг/мл	Т <sub>4</sub> – Умумий тироксин, мг/дл	Т <sub>4св</sub> – Эркин тироксин, нг/мл
Тадқиқот муддатлари	Гуруҳчалар					
I <sub>αβ</sub> (дастлабки маълумотлар)	I <sub>α</sub>	2,07±0,16	1,22±0,20	1,98±0,16	6,72±0,10	1,10±0,25
	I <sub>β</sub>	1,29±0,20\$	1,69±0,17	2,83±0,13\$	8,89±0,10\$	1,70±0,10\$
II <sub>αβ</sub> (гипотиреознинг 3-хафтаси)	II <sub>α</sub>	4,80±0,13*	0,70±0,40	1,05±0,07*	3,70±0,07*	0,65±0,08
	II <sub>β</sub>	8,03±0,05*\$	0,27±0,53*	0,53±0,08*\$	2,13±0,14*\$	0,40±0,14*
III <sub>αβ</sub> (терапиянинг 3-куни)	III <sub>α</sub>	4,05±0,2*	0,97±0,13	1,31±0,36	4,05±0,23*	0,93±0,18
	III <sub>β</sub>	7,63±0,3*\$	0,43±0,14*\$	0,71±0,16*\$	2,37±0,38*\$	0,60±0,15*
IV <sub>αβ</sub> (терапиянинг 1-хафтаси)	IV <sub>α</sub>	3,06±0,20*^#	1,07±0,12	1,55±0,15^	5,40±0,18*^#	1,03±0,07^
	IV <sub>β</sub>	3,63±0,14*^#&	0,73±0,11*\$	1,05±0,14*^\$	2,91±0,21*^\$	0,73±0,11*\$
V <sub>αβ</sub> (терапиянинг 3-хафтаси)	V <sub>α</sub>	2,36±0,23^#&	1,13±0,20	1,78±0,09^	6,12±0,09*^#&	1,07±0,08^
	V <sub>β</sub>	3,13±0,15*^#&	1,07±0,53	1,13±0,18*^\$	3,63±0,47*^\$	1,12±0,24*^

Изох: \* - I гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштиришда ишончили фарқ (P < 0,05); ^ - II гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштиришда юқоридагидек; # - III гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштиришда юқоридагидек; & - IV гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштиришда юқоридагидек; \$ - чиндами наст гуруҳча билан шу гуруҳдаги маълумотларни натижалар билан солиштиришда юқоридагидек.

$\beta$  –фенотипли ацетилланиш гуруҳчасида  $\alpha$ -фенотипли ацетилланиш гуруҳчасига солиштирилганда кўрсаткичлар динамикаси кўпроқ ифодаланди.

Тиреотроп гормони даражаларини ўзгаришини метаболизм тезлигига боғлиқ равишда ўрганганда ТТГ концентрацияси 4- соатда, 1-, 2- ва 3- ҳафталарда  $\beta$ –фенотипли ацетилланиш гуруҳчасида  $\alpha$ -фенотипли ацетилланиш гуруҳчасига қараганда 1,6, 1,74, 1,44 ва 1,67 мартага мос равишда ошганлиги қайд қилинган. Бу вақтда интакт ҳайвонлар гуруҳида бошқа ҳолат кузатилди. ТТГ даражаси  $I_\alpha$  гуруҳчада  $I_\beta$  гуруҳчага нисбатан 1,6 мартагача ошганлиги аниқланди.

ТТГ концентрацияси ўзгаришининг қарама-қарши ҳолатда кузатишнинг биринчи ҳафтасида умумий трийодтиронин даражаси  $\alpha$ -фенотипли ацетилланишда  $\beta$ -фенотипли ацетилланишга нисбатан 2,56 мартага ошди.

$\alpha$ - ва  $\beta$ - фенотипли ацетилланиш гуруҳчаларидаги ҳайвонларнинг тиреоид гормонлари кўрсаткичлари солиштирилганда эркин трийодтиронин даражасининг ишончли фарқлари кузатилган. Яъни,  $T_{3cb}$  даражаси  $I_\beta$  гуруҳчада  $I_\alpha$  гуруҳчага нисбатан 42,9% юқори. Бу вақтда, яъни тадқиқотнинг 1- ва 3- ҳафталарида  $T_{3cb}$  даражаси мос равишда 2,88 ва 1,98 мартага  $\alpha$ -фенотипга нисбатан ошган.

Умумий тироксин даражаларини фарқи метаболизм тезлигига боғлиқ равишда кузатилганда қон зардобидидаги  $T_4$  кўрсаткичлари 4- соатда, 1-, 2- ва 3-ҳафталарда  $\alpha$  –фенотипли ацетилланиш гуруҳчасида  $\beta$  -фенотипли ацетилланиш гуруҳчасига қараганда юқорирок: яъни, 4- соатда  $T_4$  3,12 мартага, 1- ҳафтада 1,67 мартага, 2-ҳафтада 1,29 мартага ва 3- ҳафтада 1,7 мартага ошган.

Юқорида келтирилган ўзгаришлар тез метаболизёрларни сушт метаболизёрларга таққослаганда эндокрин тизим реактивлигидан далолат беради. Ацетилланиш тезлиги бўйича текширилаётган гуруҳлар дифференциацияси «яширин» ҳолатларни аниқлашга ва ананавий текширишлардаги объектив таҳлилларнинг қийинлиги ҳамда аниқланмаган эндокрин ўзгаришларни аниқлашга эътибор қаратади.

Шунингдек, ацетилланиш фенотипини ҳисобга олган ҳолда тиреоид гормонларни динамикасини ўрганиш эндокрин патологияларини тадқиқ этишда ва кечувчи ўзгаришларга алоҳида баҳо беришда янги имкониятларни яратади.

Экспериментал гипотиреоз моделида ацетилланиш турларига қараб ҳамда тадқиқот муддатлари бўйича липид алмашинув кўрсаткичлари фарқи қайд этилган (3-жадвал).

Шунингдек, ацетилланишнинг  $\alpha$ - ва  $\beta$ - фенотипли гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқ кузатилди. Юқоридаги кўрсаткичлар  $\beta$ - фенотипли ацетилланиш гуруҳида юқори:  $I_\alpha$  ва  $I_\beta$  гуруҳчаларда умумий холестерин даражаси (УХС), ЗПЛП-ХС ва атерогенлик коэффициенти (УХС/ЗПЛП) мос равишда 19,5%, 18,1% ва 21,4%, шунингдек УХС концентрацияси  $III_\beta$  ва  $III_\alpha$ ,  $IV_\beta$  ва  $IV_\alpha$  ҳамда  $V_\beta$  ва  $V_\alpha$  гуруҳчалар ўртасидаги фарқи  $\beta$ -фенотипли ацетилланиш гуруҳидаги ҳайвонларда мос равишда 23,5%, 80,1% ва 65,8%га юқори бўлган.

Ацетиллаш тезлигига боғлиқ равишда гипотиреозни моделлаштиришда тиреоид гормонлар кўрсаткичларининг ўзгариб бориши (M±m).

Гуруҳлар	Тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар:		ТТГ – Тиреотроп гормон, мМЕ/мл	Т <sub>3</sub> – Умумий трийодтиронин, пг/мл	Т <sub>3св</sub> – Эркин трийодтиронин, пг/мл	Т <sub>4</sub> – Умумий тироксин, мг/дл	Т <sub>4св</sub> – Эркин тироксин, нг/мл
	гуруҳчалар	гормон, мМЕ/мл					
I <sub>αβ</sub> , (дастлабки маълумотлар)	I <sub>α</sub>	2,07±0,16	1,22±0,20	1,98±0,16	6,72±0,10	1,10±0,25	
	I <sub>β</sub>	1,29±0,20\$	1,69±0,17	2,83±0,13\$	8,89±0,10\$	1,70±0,10	
II <sub>αβ</sub> , (4-соат)	II <sub>α</sub>	3,80±0,15*	0,63±0,33	1,27±0,50	4,27±0,48*	0,83±0,14	
	II <sub>β</sub>	6,07±0,34*\$	0,43±0,09*	0,50±0,34*	1,37±0,28*\$	0,47±0,08*\$	
III <sub>αβ</sub> , (1-хафтасида)	III <sub>α</sub>	3,97±0,52*	0,77±0,12	2,10±0,59	4,30±0,23*	0,97±0,19	
	III <sub>β</sub>	6,93±0,15*^\$	0,30±0,18*\$	0,73±0,13*\$	2,57±0,23*^\$	0,40±0,14*\$	
IV <sub>αβ</sub> , (2-хафтасида)	IV <sub>α</sub>	5,43±0,27*^#	0,57±0,16*	1,73±1,30	3,60±0,18*#	0,67±0,07	
	IV <sub>β</sub>	7,83±0,06*^#&\$	0,33±0,11*	0,60±0,14*	2,80±0,11*^\$	0,43±0,08*	
V <sub>αβ</sub> , (3- хафтасида)	V <sub>α</sub>	4,80±0,13*^	0,70±0,40	1,05±0,07*	3,70±0,07*#	0,65±0,08	
	V <sub>β</sub>	8,03±0,05*^#&\$	0,27±0,53*	0,53±0,08*\$	2,13±0,14*^&\$	0,40±0,14*	

Изох: \* - I гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда ишончли фарқ (P < 0,05); ^ - II гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек; # - III гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек; & - IV гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек; \$ - чидами паст гуруҳча билан шу гуруҳдаги маълумотларни натижалар билан солиштирганда юқоридагидек.

Бундай тенденция  $\beta$ - фенотипли ацетилланиш гуруҳи ҳайвонларида ҳам устун бўлиб, тажриба ҳайвонлари қон зардобидаги триглицеридлар миқдори  $III_{\beta}$  ва  $III_{\alpha}$ ,  $IV_{\beta}$  ва  $IV_{\alpha}$  ҳамда  $V_{\beta}$  ва  $V_{\alpha}$  гуруҳчаларида мос равишда 16,4%, 28,3% ва 19,0% га фарқ қилди.

Бундай ўзгаришлар  $\beta$ -фенотипли ацетилланиш гуруҳида  $\alpha$ -фенотипли гуруҳга нисбатан кўпроқ аҳамиятга эга. Жадвалда келтирилган кўрсаткичлар динамикасида шуни хулоса қилиш мумкинки,  $\alpha$ -фенотипли ацетилланиш гуруҳи ҳайвонларида триглицеридлар даражаси  $\beta$ -фенотипли ҳайвонлар билан таққослаганда қалқонсимон беши функционал ҳолати ўзгариши сезгирроқдир. Бироқ  $\beta$ -фенотипли ацетилланиш гуруҳида ушбу ҳолат яққолроқ намоён бўлди.

Тадқиқотлар жараёнида олинган маълумотларнинг ўзгариши липид спектри, ЗЮЛП-ХС даражасини қалқонсимон беши касалликларига таъсири аҳамиятсиз бўлиб, шунингдек  $\alpha$ -фенотипли ацетилланиш гуруҳи жониворларда тиреоид статусининг ўзгариши сезиларли сезгирлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишончли ўзгаришларнинг кўпроқ частотаси  $\beta$ -фенотипли ацетилланиш гуруҳи жониворларидаги ЗПЛП-ХС миқдори триглицерид ва ЗЮЛП-ХС даражасини ўзгариш хусусиятлари, шунингдек уларнинг юқори даражаси тадқиқотнинг кейинги босқичларида фарқли бўлган.

ЗЖПЛП-ХС даражаси кузатувнинг 4-соатида ва 1-ҳафтасида сезиларли ўзгармади. ЗЖПЛП-ХС даражасини ЗЮЛП-ХС ва ЗПЛП-ХС лар билан солиштирганда экспериментал гипотиреоз моделига боғлиқ равишда гормонал ўзгаришларнинг ушбу кўрсаткичларга сезгирлигининг тадқиқотнинг кейинги босқичларида пастлигини кўрсатди. Бунда  $\beta$ -фенотипли ацетилланиш гуруҳида ЗЖПЛП-ХС даражасининг ўзгариши катта фарқ билан ажралиб турди.

Липидли спектр ўзгаришининг асосий тавсифномасидан бири ЗЮЛП-ХС атерогенлигининг холестерин коэффиценти бўлиб,  $III_{\beta}$  кичик гуруҳда  $II_{\beta}$  кичик гуруҳга нисбатан ушбу кўрсаткич ишончли бўлиб 51,5%га юқори бўлди.

Тадқиқотнинг иккинчи ҳафтасида  $IV_{\beta}$  кичик гуруҳда  $I_{\beta}$ ,  $II_{\beta}$  ва  $III_{\beta}$  кичик гуруҳларга нисбатан 14,5%, 101,5% ва 33% ЗЮЛП-ХС кўрсаткичлари ишончли даражада юқори бўлди. Айни вақтда кейинги муддатларда ҳам  $IV_{\alpha}$  кичик гуруҳда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. ЗЮЛП-ХС даражаси  $V_{\beta}$  кичик гуруҳда  $I_{\beta}$ ,  $II_{\beta}$ ,  $III_{\beta}$  ва  $IV_{\beta}$  гуруҳчаларга нисбатан ишончли 37,2%, 141,5%, 59,4% ва 19,9% га юқори бўлиб, ҳайвонларда бу кўрсаткич ацетилланишнинг  $\beta$ -фенотипли динамикасини намоён қилади. Бу эса атерогенлик холестерин коэффиценти сезгирлигининг юқори эканлигидан далолат беради, айнан  $\beta$ - тез метаболизерлар (ацетилляторлар)дан иборат кичик гуруҳларда тажрибадаги гипотиреозни моделирлашда қалқонсимон бешининг функционал ҳолатига нисбатан унинг кўрсаткичларини (умумий холестерин ва юқори зичликдаги липоротеидлар) аниқлаб беради.

Ацетиллашнинг  $\alpha$ - ва  $\beta$ -фенотипли гуруҳчаларида гипотиреозни моделлаштиришда каламушларда липид спектри кўрсаткичларини ўзгариб бориши ( $M \pm m$ ).

Тадқиқ этилаётган гуруҳлар	Умумий холестерин (УХС) ммоль/л	Триглицеридлар (ТГ) ммоль/л	ЗЮЛП-ХС ммоль/л	ЗЦЛП-ХС ммоль/л	ЗЖЛП-ХС ед. экст.	атерогенликнинг холестерин коэффициенти ХС/ЗЮЛП
I <sub>α</sub> (дастлабки маълумотлар)	4,1±0,06	1,11±0,06	1,05±0,07	3,01±0,04	0,41±0,10	2,9±0,06
	4,9±0,06\$	1,26±0,04	1,32±0,04\$	3,58±0,06\$	0,48±0,02	3,52±0,08\$
II <sub>αβ</sub> (4-соат)	2,43±0,13*	1,29±0,03*	1,27±0,05*	3,07±0,07	0,53±0,08	1,87±0,04*
	2,50±0,25*	1,40±0,07	1,24±0,02	3,20±0,06*	0,57±0,07	2,00±0,22*
III <sub>α</sub> (1-хафтасида)	3,10±0,10*^	1,34±0,04*	1,27±0,04*	3,10±0,06	0,60±0,00	2,37±0,08*
	3,83±0,11*^\$	1,56±0,04*\$	1,24±0,04	3,17±0,03*	0,67±0,07	3,03±0,07*^\$
IV <sub>αβ</sub> (2-хафтасида)	3,07±0,030*^	1,38±0,02*^	1,28±0,01*	3,10±0,06	0,60±0,09	2,37±0,28
	5,53±0,18*^#&\$	1,77±0,10*^\$	1,36±0,01^\$	3,43±0,05\$	0,77±0,06*\$	4,03±0,17*^#&\$
V <sub>αβ</sub> (3-хафтасида)	4,00±0,05^#&	1,63±0,02*^#&	1,34±0,02*	3,37±0,08*^#&	0,70±0,07*	2,93±0,03
	6,63±0,13*^#&\$	1,94±0,04*^#&\$	1,37±0,03^	3,37±0,09\$	0,83±0,06*^	4,83±0,15*^#&\$

Изох:\* - I гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштиришда ишончили фарк ( $P < 0,05$ ); ^ - II гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштиришда юқоридагидек; # - III гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштиришда юқоридагидек; & - IV гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштиришда юқоридагидек; \$ - чидами паст гуруҳча билан шу гуруҳдаги маълумотларни натижалар билан солиштиришда юқоридагидек.

Шундай қилиб, ацетиллашнинг фенотипига боғлиқ ҳолда бўлинган кичик гуруҳларни текшириш натижасида экспериментал гипотиреозни моделлашнинг муддатларидан келиб чиқиб липидли спектрнинг ўзгариш даражаси ўта юқори эканлигини таъкидлаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ацетиллашнинг  $\beta$ - фенотипи билан ўрганилаётган ҳайвонларда охириги муддатларда умумий холестерин, триглицеридлар паст ва ўта паст зичликдаги липопротеидлар, шунингдек атерогенликнинг холестерин коэффиценти кўрсаткичлари ўзгариб, экспериментал гипотиреозда бу кўрсаткичлар ўзгаришларга нисбатан юқори «сезгир» бўлган.  $\alpha$  – кичик гуруҳда юқори зичликдаги липопротеидларнинг юқори даражада эканлиги, ацетиллашнинг  $\beta$ - фенотипли кичик гуруҳида липидли алмашинув кескин бузилганлиги ҳақида далолат беради.

Шунингдек, экспериментал гипотиреознинг ривожланиш таъсири электролит ва азот мувозанати каби алоҳида кўрсаткичларни ўзгариш динамикаси ўрганилди. Асосан, ацетиллаш фенотипи билан экспериментал гипотиреозни моделлашдаги оксил алмашинуви ўзгаришининг алоҳида кўрсаткичлари ўрганилди. Олинган натижаларнинг таҳлили, ацетиллашнинг фенотипига боғлиқ ҳолда бўлинган гуруҳларда ўрганилаётган кўрсаткичларда статистик ишончли фарқлар аниқланди (4-жадвал). 1-, 2- ва 3-ҳафтанинг 4-соатида қон зардоби умумий оксилнинг даражаси ацетиллашнинг  $\alpha$ -фенотипли интакт гуруҳининг кичик гуруҳларидаги ҳайвонларга нисбатан 21,9%, 54,2%, 51,1% ва 51,1% га паст бўлди, метаболизмнинг  $\beta$ -фенотипли ҳайвонлар гуруҳида эса мос ҳолда 35,4%, 28,9%, 19,5% ва 57,6% га паст бўлди.

Олинган натижалардан ацетиллашнинг  $\beta$ - фенотипли гуруҳнинг кичик гуруҳларида эрта муддатларда (4-соатда) фарқлар кўриниб турибди. Лекин кейинги муддатларда интакт ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан метаболизмнинг  $\alpha$ -секин фенотипли кичик гуруҳларида сезиларли стабил фарқлар кузатилди. Статистик ишончли фарқлар борлиги нуқтаи назаридан умумий оксил миқдорининг ўзгариш динамикасида бир мунча ўхшашликлар кузатилди, яъни муддат ошган сари оксил миқдори ошган бўлиб, айниқса, тажрибанинг кечки муддатларида кескин фарқлар аниқланган. Метаболизмнинг  $\beta$ -тез типли кичик гуруҳида  $\alpha$ -фенотипли кичик гуруҳига нисбатан тажрибанинг 4-соатида эмас балки кечки муддатларда умумий оксил миқдорининг сезиларли фарқлари аниқланган. Хусусан, сезиларли фарқлар ацетиллашнинг  $\beta$ -фенотипли кичик гуруҳида кечки муддатларда кузатилган.

Умумий оксил даражаси ацетиллашнинг  $\alpha$ - ва  $\beta$ - фенотипли кичик гуруҳларида эрта, шу билан бирга кечки муддатларда интакт ҳайвонлар кўрсаткичлари билан солиштирганда паст даражани ташкил қилди. Аммо, ацетиллашнинг  $\alpha$ -фенотипли кичик гуруҳида  $\beta$ - фенотипли ҳайвонларга нисбатан тажрибанинг 4-соати ва 3-ҳафтасида ушбу кўрсаткичлар юқори бўлса, 1- ва 2- ҳафтасида аксинча, паст кўрсаткичини ташкил қилган.

Калий йодид билан анъанавий терапиядан фарқли равишда таъсир қилувчи элемент – йод секинроқ ва бир маромда сўрилади, бу эса юқори

метаболик фаоллик мавжуд бўлганда ҚБ ни бу элемент билан анча барқарор тўйинишга етиш имконини беради. Битта муддат ичида ацетиллашнинг турли фенотипли гуруҳчалари солиштирилганда ҳам альбумин концентрациясининг статистик фарқли қийматлари кузатилган. Интакт жониворлар гуруҳчалари ўртасида экспериментнинг 1-ҳафтасида ҳам катта ўзгаришлар кузатилмаган. Яхлит олганда, тадқиқотнинг барча муддатларида альбумин кўрсаткичлари интакт жониворлар кўрсаткичларига қараганда паст бўлган, бунда метаболизмнинг секин  $\alpha$ -типидаги гуруҳчада энг паст қийматлар тадқиқотнинг эрта муддатида (4- соатда эришилган бўлса, тезкор  $\beta$ -туридаги гуруҳчада тезкор экспериментал гипотиреознинг (3-ҳафта) муддатида эришилган.

4-жадвал

Ацетиллашнинг  $\alpha$ - ва  $\beta$ -фенотипли гуруҳчаларида экспериментал гипотиреозни моделлаштиришда каламушлар қони айрим биокимёвий кўрсаткичларини ўзгариб бориши ( $M \pm m$ ).

Гуруҳлар, (тадқиқот муддатлари)	Гуруҳчалар	Умумий оксил (г/л)	Альбумин (г/л)
$I_{\alpha\beta}$ , (интакт жониворлар)	$I_{\alpha}$	68,4±2,1	32,3±1,0
	$I_{\beta}$	66,7±1,9	31,1±0,8
$II_{\alpha\beta}$ , (4-чи соатида)	$II_{\alpha}$	56,10±0,35*	25,33±0,75*
	$II_{\beta}$	49,27±0,69* $\$$	28,33±0,41* $\$$
$III_{\alpha\beta}$ , (1-ҳафтасида)	$III_{\alpha}$	44,37±0,21* $\wedge$	31,00±0,18 $\wedge$
	$III_{\beta}$	51,73±0,95* $\$$	31,33±0,21 $\wedge$
$IV_{\alpha\beta}$ , (2-ҳафтасида)	$IV_{\alpha}$	45,27±0,09* $\wedge$ #	30,67±0,21 $\wedge$
	$IV_{\beta}$	55,80±0,23* $\wedge$ # $\$$	32,00±0,01 $\wedge$ # $\$$
$V_{\alpha\beta}$ , (3-ҳафтасида)	$V_{\alpha}$	45,27±0,09* $\wedge$ #	30,67±0,21 $\wedge$
	$V_{\beta}$	42,33±0,61* $\wedge$ #& $\$$	26,53±0,24* $\wedge$ #& $\$$

Изоҳ: \* - I гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда ишончли фарқ ( $P < 0,05$ );  $\wedge$  - II гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек; # - III гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек; & - IV гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек;  $\$$  - чидами паст гуруҳча билан шу гуруҳдаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек.

Маълумки, альбумин нафақат оксилли алмашувнинг муҳим компоненти ҳисобланади, балки липид алмашув жумладан, ёғ кислоталарининг ташилиши билан ҳам ўзаро боғлиқ, бу эса яна бир бор ушбу кўрсаткични ўрганишнинг муҳимлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, жигарнинг оксил-синтетик функциясини тавсифловчи айрим параметрларни тадқиқ этишда ацетиллашнинг  $\alpha$ - ва  $\beta$ -фенотипли гуруҳчалари ўртасида тадқиқ этилаётган кўрсаткичларни ўзгариши динамикасида статистик аҳамиятли фарқлар мавжудлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин, бунда яққолроқ ўзгаришлар тезкор  $\beta$ -фенотипли гуруҳчаларда намоён бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ҳам тадқиқотнинг турли муддатлари, ҳам бир хил муддатдаги тадқиқот гуруҳчалари ўртасида ҳам ўрганилаётган кўрсаткичларнинг айниқса

сезиларли фарқлари экспериментал гипотиреозни моделлаштиришнинг нисбатан кечроқ муддатларида намоён бўлади.

Ацетиллаш фенотипига боғлиқ равишда экспериментал гипотиреозда жигарни дезинтоксикацион функцияси кўрсаткичларининг ўзгаришлари ўрганилди. Ацетиллаш фенотипига боғлиқ равишда ажратилган гуруҳчаларда олинган натижаларни таҳлили натижасида тадқиқ этилаётган кўрсаткичларнинг статистик ишончли фарқлари аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Ацетиллашнинг  $\alpha$ - ва  $\beta$ -фенотипли кичик гуруҳларида экспериментал гипотиреозни моделлаштиришда каламушлар қони айрим биокимёвий кўрсаткичларини ўзгариб бориши ( $M \pm m$ ).

Гуруҳлар, (тадқиқот муддатлари)	Гуруҳчалар	Мочевина (ммоль/л)	Креатинин (мкмоль/л)
I <sub><math>\alpha\beta</math></sub> , (дастлабки маълумотлар)	I <sub><math>\alpha</math></sub>	3,8 $\pm$ 0,8	56,4 $\pm$ 1,8
	I <sub><math>\beta</math></sub>	4,05 $\pm$ 0,65	58,1 $\pm$ 2,1
II <sub><math>\alpha\beta</math></sub> , (4-соатида)	II <sub><math>\alpha</math></sub>	2,10 $\pm$ 0,07	35,07 $\pm$ 2,47*
	II <sub><math>\beta</math></sub>	5,97 $\pm$ 0,05*\$	70,50 $\pm$ 0,09*\$
III <sub><math>\alpha\beta</math></sub> , (1-ҳафтасида)	III <sub><math>\alpha</math></sub>	5,40 $\pm$ 0,12^	50,97 $\pm$ 0,14*^
	III <sub><math>\beta</math></sub>	6,17 $\pm$ 0,09*\$	64,83 $\pm$ 0,94*^\$
IV <sub><math>\alpha\beta</math></sub> , (2-ҳафтасида)	IV <sub><math>\alpha</math></sub>	5,57 $\pm$ 0,02^	51,33 $\pm$ 0,16*^
	IV <sub><math>\beta</math></sub>	6,03 $\pm$ 0,10*\$	62,83 $\pm$ 0,70^\$
V <sub><math>\alpha\beta</math></sub> , (3-ҳафтасида)	V <sub><math>\alpha</math></sub>	5,67 $\pm$ 0,05*^	56,33 $\pm$ 1,04^#&
	V <sub><math>\beta</math></sub>	7,13 $\pm$ 0,06*^#&\$	85,03 $\pm$ 0,48*^#&\$

Изоҳ: \* - I гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда ишончли фарқ ( $P < 0,05$ ); ^ - II гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек; # - III гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек; & - IV гуруҳчадаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек; \$ - чидами паст гуруҳча билан шу гуруҳдаги маълумотлар билан натижаларни солиштирганда юқоридагидек.

Тадқиқот натижаларини кузатиб бориб, тиреоид патология ривожланиб бориши билан метаболизм тезлиги ҳар хил гуруҳчалар ўртасида фарқлар ифодаланиши камайиб боришини қайд этиш зарур. Ушбу фарқларнинг бироз ортиши кечроқ муддатда кузатилади.

Олинган натижалар шундан далолат берадики, ацетиллашнинг  $\alpha$ -фенотипли гуруҳчаларида тадқиқотнинг 4-соатида мочевина концентрацияси сезиларсиз пасайган, худди шу пайтда  $\beta$ -фенотипли жониворлар гуруҳчаларида ушбу кўрсаткичнинг статистик аҳамиятли ошиб бориши кузатилган.

